

МАҲАЛЛАДА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Файзиев Фаррух Абдуллахожаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Солиқ ва солиққа тортиш” кафедраси доценти

ARTICLE INFO.

Ключевые слова: маҳаллий бюджет, кредит, грант, бегараз ёрдам, ўзини ўзи банд қилган шахс, бюджетдан ташқари жамғарма, электрон савдо, ташки савдо фаолияти.

Аннотация

Ушбу мақолада маҳаллаларнинг даромад манбааларини ошириш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш доимий долзарб йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Дунё амалиётида давлат органларининг маҳаллабай тизимга асосланган ҳолда фаолият юритиш камдан кам холларда учрайди.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2024 LWAB.

Жаҳон амалиётида маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, унинг мустақиллигини ошириш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш доимий долзарб йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Дунё амалиётида давлат органларининг маҳаллабай тизимга асосланган ҳолда фаолият юритиш камдан кам холларда учрайди.

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш, иш билан бандлик масаласидаги муаммоларга ечим топиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни қўллаб-қувватлаш мақсадида “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилди. Ушбу тизимнинг жорий этилиши натижасида маҳаллалар иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, “маҳаллабай” ишлашга масъул бўлган шахсларнинг фаолияти самарали ташкил этилди, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Маҳалланинг даромадларини ошириш, маҳалла бюджети даромадлари базасини кенгайтириш мақсадида ҳар бир маҳалла учун бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланмайдиган Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ташкил этилди¹.

Куйидагилар жамғармалар маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгиланди:

- маҳалладаги ҳудуди 2 000 квадрат метргача бўлган давлат қўчмас мулк объектларини маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шахар) ҳокими ёрдамчисининг онлайн-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 августдаги “Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-353-сон қарори

- буортманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишдан тушадиган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда;
- маҳалланинг мол-мулкини белгиланган тартибда ижарага беришдан олинадиган маблағлар;
 - халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорларига асосан маҳаллий бюджетнинг кўшимча манбалари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;
 - маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси тавсияси асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар;
 - жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
 - хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг техник кўмак маблағлари (кредит, грант, беғараз ёрдам ва бошқалар);
 - қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

2023 йилга қадар аҳоли манфаатларини кўзлаб, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида ечим топишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сонли Фармонига асосан “маҳалла еттилиги” фаолияти ташкил этилди.

Маҳалланинг жамиятдаги ролини ошириш, аҳолини маҳалладан ўзининг муаммоларига ечим топишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сонли Фармонига асосан “маҳалла еттилиги” фаолияти ташкил этилди.

“Маҳалла еттилиги” таркибида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолият юритадиган бўлди².

2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сонли Фармонига асосан ҳар бир йўналиш ходимининг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилди. Жумладан солиқ инспекторининг асосий вазифаси этиб қуидагилар белгиланди:


- тадбиркорларга солиқ хизматларини кўрсатиш
- солиқ базасини кенгайтириш
- солиқларни ундириш ва маҳалла бюджетининг даромадини шакллантириш.

Республикамизда “маҳалла еттилиги” фаолиятини йўлга кўйиш бўйича берилган топшириқларига асосан мавжуд 9 453 та маҳаллага 4 334 нафар солиқ ходимлари бириктирилди.

Бундан ташқари, солиқ органининг ҳудудларда “Маҳаллабай” ишлаш тизимини янада самарали ташкил этиш бўйича солиқ кўмитасидан 14 нафар раҳбар ва ходимлар вилоятларга бириктирилиб, маҳаллаларда солиқ базасини кенгайтириш, солиқларни ундириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг кунлик назорати йўлга кўйилган.

Солиқ органларига юклатилган вазифаларни маҳалла даражасида ташкил этиш, маҳаллада даромадни ошириш, яширин иқтисодиёт улушкини қисқартириш, маҳаллаларга бириктирилган солиқ идораси ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизими ишлаб чиқилди. Бунда солиқ инспекторининг фаолияти самарадорлиги 23 та мезон орқали баҳолаб борилмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПФ-209-сонли Фармони




1-расм. Республика бўйича маҳаллага бириктирилган солик инспектори фаолияти кўрсаткиялари³

“Маҳаллаларда солик органлари фаолияти” ахборот тизимининг таҳлилий маълумотларига қўра жорий йилнинг августъ ойида республиканинг самарадорлик кўрсаткичи 85,6 бални ташкил этди.

Бу кўрсаткич май ойида - 94,0 балл, апрель ойида - 92,2 балл, март ойида - 89,6 балл, февраль ойида 93,7 балл, январь ойида 87,3 бални ташкил этган.


Маҳаллага бириктирилган солик органлари фаолияти натижаларининг айrim кўрсаткичларини таҳлил қиласидан бўлсан



1-чизма. Маҳаллага бириктирилган солик инспектори фаолияти натижалари⁴

³ Ушбу маълумотлар солик қўмитасининг расмий очиқ маълумотлари асосида шакллантирилди

⁴ Ушбу маълумотлар солик қўмитасининг расмий очиқ маълумотлари асосида шакллантирилди



2-чизма. Маҳаллага бириткирилган солик инспектори фаолияти натижалари

Ушбу чизмалардан кўриниб турибдики, солик органлари ўз фаолиятлари давомида, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига эришмоқдалар.

Маҳаллаларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб барча туман ва шаҳарларда «Маҳалла бюджети» тизими амалиётга жорий этилиб унинг асосий манбаси қўйидаги маблағлар ҳисобидан шаклланадиган бўлди. Бунда:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг (*нотурар жойлар бўйича ундириладиган мол-мулк солиги ва ер солиги бундан мустасно*) 10 фоизи;
- маҳалла идоралари орқали кўрсатилган давлат хизматлари учун ундирилган йиғимнинг 10 фоизи;
- маҳалланинг мол-мулкини белгиланган тартибда ижарага беришдан олинадиган маблағлар;
- Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси тўғрисидаги низомда белгиланадиган бошқа маблағлар⁵

Ушбу маблағлар манбалари маҳаллаларнинг иқтисодий ўсишига, муаммоларига ечим топишига, инфратузилма обьектларини яхшиланишига хизмат қиласи.

Солик органларининг фаол ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг январь-июнь ойлари давомида жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғи бўйича турар жой обьектлари учун 5 307 млрд сўм (*йил бошига солик қарзи 1 582,9 млрд сўм, жорий йилга ҳисобланган солик 3 724,0 млрд сўм*) ундиришга ҳисобланган бўлиб, шундан, 1 857,8 млрд. сўм ундирилди.

Ундирилган соликлар ҳисобидан 10 фоизи 185,8 млрд. сўм маҳалла бюджети ҳисобига тўғри келади⁶.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 декабрдаги «Маҳалла бюджети» тизимини жорий этиш орқали маҳаллаларнинг молиявий имкониятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-458-сонли Қарори

⁶ Солик қўмитасининг расмий очиқ маълумотлари асосида шакллантирилган.



2-чизма. Маҳаллага бириктирилган солик инспектори фаолияти натижалари

Юқорида келтирилган 1-2-чизма маълумотларидан кўринадики 2024 йилнинг 6 ойлигида ўтган йилга нисбатан тушумларнинг ўсиши 119% га ошган. Мол-мулк ва ер солиги тушумларининг ўсишига эришилган. Иш билан банд бўлган ахоли сони ошиб борган. Иқтисодий фаол бўлмаган, вақтинчалик фаолият юритмаётган тадбиркорлар сонининг камайишига эришилган.

Солик органлари ходимлари томонидан маҳалладаги тадбиркорларга амалий ёрдам қўрсатиши натижасида эришилган ютуқлар билан биргаликда уларнинг иш фаолиятини самарасини янада оширишга, маҳалланинг иқтисодий қўрсаткичларини ошириш учун қўйида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Хулоса ва таклифлар

1. Республика бўйича маҳаллалар сони **9 453** та бўлиб, уларга 4 334 та солик инспектори бириктирилган, иш ҳажмига нисбатан солик органи ходимлар сони-нинг етишмаслиги иш унумдорлигини пасайишига олиб келмоқда. (*Айрим туманларда 1 нафар солик инспектори ходимига 1 тадан 5 тагача маҳалла бириктирилган. Солик инспектори уибу маҳаллаларни тўлиқ қамраб олиши учун иши ҳажми жуда юқори*)

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 704-сон қарорига 2-иловаси 5-бандига **“тўқиз ой мобайнида солик ҳисоботлари тақдим этилмаганлиги ёки “ноль” ҳисобот топширганлиги”** мазмунида ўзgartариши киритиш.

Ҳақиқатда фаолият юритмаётган солик тўловчилар 9 ой давомида реализация амалга оширгмаган бўлсада, биргина **“ноль”** ҳисобот топшириши натижасида Вазирлар Маҳкамасининг 704-сон қарорига асосан фаолият юритаётганлар тоифасига кириб қолмоқда, бу эса маҳалладаги солик инспекторларининг самарадорлик қўрсаткичига салбий таъсир қилмоқда.

(Мисол учун, 2024 йилнинг март ойида **92 788 та**, апрелда **72 723 та**, майда **63 731 та** ҳамда июнь ойида **53 898 та** солик тўловчи **“ноль”** ҳисобот топширган.)

- 3.** “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизимини такомил-лаштириш.
- 4.** Мажбурий ижро бюроси ва суд иши жараёнида бўлган солиқ қарздорлигини маҳалла инспектори юкламасидан олиб ташлаш.
- 5.** Худудда ҳужжатсиз тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган фуқароларни дастур орқали анектани тўлдириш ва Давлат хизматлари марказига юбориш механизмини жорий этиш. Бунда Тадбиркорликни қонунийлаштириш жараёни соддалашади ва фуқарони тадбиркорлик субъектига ўтказилишида солиқ инспектори кўмаклашади. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун тўловларни планшет орқали тўғридан-тўрги тўлаш тизимини жорий этиш.
- 6.** Тадбиркорик фаолиятини тугатиш ёки тиклаш истагида бўлган тадбиркор-лик субъектларни “Солиқ мобил” иловасида маълумотларни шакллантириш учун давлат хизматлари анкетаси шаклини яратиш. Бунда тадбиркор томонидан СТИР ёки ЖШШИРни анкетага киритиш орқали тугатиш ёки рад этиш тугмасини тад-биркорлик субъектининг “FACE-ID” ёки “Бармоқ изи” орқали тасдиқлаш тизимини жорий қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 августдаги “Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-353-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 декабрдаги «Маҳалла бюджети» тизимини жорий этиш орқали маҳаллаларнинг молиявий имкониятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-458-сонли Қарори.
5. www.soliq.uz
6. www.lex.uz